Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 75 (9061). • 1987 йил 18 апрель • шанба • Баҳоси 3 тийин.

# ЁШЛАРНИНГ ОЛДИНГИ САФИДА БЎЛАЙЛИК

## ВЛКСМ XX СЪЕЗДИДА

Ленин комсомоли XX съезди партиянинг қайта қуриш йўлини якдиллик билан қўллаб-қувватлаш, талабчанлик, мамлакат учун, социализм тақдири учун масъулиятни тушуниб етиш вазиятида ўтмоқда. 17 апрель куни совет ёшларининг вакиллари Кремль саройида ВЛКСМ Марказий Комитети ва ВЛКСМ Марказий ревизия комиссияси ҳисобот докладларини муҳокама қилишни давом эттирдилар.

Делегатлар ва меҳмонлар **В. И. Воротников, В. И. Долгих, С. Л. Соколов, А. П. Бирюкова, В. П. Никонов, Г. П. Разумовский** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Раислик қилувчи эрталабки мажлисда съезднинг ўнта мунозара марказидаги ишлар якунларини маълум қилди. ВЛКСМ XX съездининг 1200 дан ортиқ делегатлари ва меҳмонлари, деди у, ёшларни ҳаяжонлантираётган проблемалар тўғрисида, комсомолда қайта қуришни жадаллаштириш йўллари ва воситалари ҳақида манфаатдорлик билан ва ошкора гаплашиб олдилар. Мунозараларда 403 киши ўз фикрлари, эътирозлари ва таклифларини айтди.

Биз таклифимизни қабул қилиб, мунозара марказлари ишида иштирок этиб, уларда амалий, ижодий муҳитни вужудга келтиришга ёрдам берганликлари, проблемаларни муҳокама қилиш чоғида пайдо бўлган кўп саволларга билимдонлик билан ва батафсил жавоб қайтарганлари учун бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарларидан, партия ва комсомол ветеранларидан, олимлар ва маданият арбобларидан самимий миннатдормиз.

Мунозара марказлари ишининг якунлари шундан далолат бериб турибдики, уларда қатнашганларнинг мутлақ кўпчилиги ҳақиқатан ҳам кескин долзарб масалаларни кўтарибгина қолмай, уларнинг ўзлари ҳам қайта қуриш учун курашда актив гражданлик позицияларини намойиш қилдилар.

ВЛКСМ Марказий Комитети, министрликлар ва идоралар шаънига 500 дан ортиқ танқидий мулоҳазалар ва таклифлар айтилди. Ҳамма таклифлар, танқидий мулоҳазалар оператив ўрганилмоқда ва съезд ҳужжатларини узил-кесил ишлаб чиқиш чоғида ҳисобга олинади, М. С. Горбачевнинг топшириғига мувофиқ биз съездимиз якунлари юзасидан КПСС Марказий Комитети, министрликлар ва идораларга юборадиган саволлар рўйхатига киритилади.

«Комсомольская правда» газетасининг бош редактори **Г. Селезнев** ўз нутқида газета ва журналларда, телевидение ва радиоэшиттиришларнинг ёшлар программаларида ёшлар билан гаплашиш оҳанги ўзгараётганлигини таъкидлади. Режалаштирилаётган нарсаларнинг ҳаммаси ҳам яхши чиқаётгани йўқ: ноаниқликлар, хатолар бўлаяпти, планларнинг кўплигидан ўткир проблемаларни тадқиқ этишда баъзан изчиллик қолмаяпти, ҳали кампаниячилик тўла тугатилмаган.

Бироқ, булар изланиш қийинчиликларидир, ёшлар матбуоти йигит ва қизлар эзгу ҳаракатлари ва ташаббусларининг ташкилотчиси сифатидаги ролини ошириши, комсомол ташкилотлари ишидаги янгилик куртакларини қўллаб-қувватлаши ва пропаганда қилиши лозим.

Қайта қуриш ёшлар орасидаги жуда кўп проблемаларни кўрсатиб берди, деди Озарбайжон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **С. Алекперов.** Ёш авлоднинг меҳнат тарбияси энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолди. Сўнгги вақтда нефтчилар касбининг обрўси пасайди.

Ҳозир комсомол комитетлари ёшларни нефть саноатига жалб этишга актив киришдилар.

Нотиқ, пировардида, комсомоллар қишлоқдаги меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш масаласини етарлича ғайрат билан ҳал этмаётганликларини таъкидлади.

Амалий иш ичида, ҳаёт ичида бўлиш, ўз навқирон куч-ғайратингни тўла-тўкис фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга бағишлаш — замон амридир. ВЛКСМ Ленинград область комитетининг биринчи секретари **С. Романов,** Москва область Люберцы шаҳридаги А. А. Скочинский номли кончилик институти муваққат ижодкор ёшлар коллективининг раҳбари **С. Солод,** ВЛКСМ Хабаровск ўлка комитетининг биринчи секретари **В. Зюкин** ва бошқалар белгиланган режаларни рўёбга чиқаришда ёш олимлар ва мутахассисларнинг ролига тўхталиб, моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштириш учун умумхалқ курашида муносиб ўрин эгаллашда комсомол уларга ёрдам бериши лозимлигини уқтирдилар.

Шу муносабат билан муваққат ижодкор ёшлар коллективлари имкониятлари кўриб чиқилди. Айни шу ерда илм-фанни ташкил этишнинг янги методларини ўрганиб олиш, унинг ишлаб чиқариш билан, практика билан алоқасини мустаҳкамлаш осонроқдир. Бу коллективларнинг ҳуқуқлари анчагина бўлиб кўринса-да, бироқ амалда бу ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳозирча осон бўлмаяпти. Гоҳ маъмурият бундай бирлашмаларнинг аҳамиятини тушуниб етмаяпти, гоҳ текширишлар ишга халақит беряпти. Бу ишнинг нимасини текширадилар? Ёшларга кўпроқ ишониш керак, аммо улардан, жумладан илм-фан соҳасида ҳам кўпроқ талаб қилиш керак. Ҳолбуки, мамлакат, унинг ёшлари тақдири янги техникага, энг илғор технологияга қатъиян кириб боришимизга бевосита боғлиқдир.

Йигит ва қизларни ғоявий сиёсий, ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда комсомолнинг роли ва тутган ўрнини тушуниш ҳамда белгилаш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳим эканлиги съездда уқтириб ўтилди. Шиорлар, сон-саноқсиз юришлар гўё одамни ўзгартириб қўйди. Биз инсон учун кураш олиб бормай қўйдик. Москвадаги «Салют» машинасозлик ишлаб-чиқариш бирлашмасининг слесари **Н. Прохоров,** ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилоти Марказий кенгашининг раиси **И. Никитин,** Ставрополь ўлкасидаги қишлоқ мактабининг тўққизинчи синф ўқувчиси **А. Фишчев,** Латвия комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари **И. Приедитис,** Олтой ўлкасидаги «Путь победи» колхозининг раиси **Ю. Поснов** ва бошқалар союз ишни шундай йўлга қўйиши кераки, токи, мактабда, истиқомат жойида, ишлаб чиқаришда якка-якка олиб бориладиган иш фаол, ҳужумкор бўлсин. Бунда комсомол етакчиларининг шахсий намунаси, айниқса, катта кучдир, ёшлар улардан янги қарорлар ва ҳаракатларни кутмоқдалар.

Пионер ташкилоти ғоят зўр эътибор талаб қилади. Унинг комсомол билан маънавий алоқасини қайта тиклаш лозим, деб таъкидлашди делегатлар. Ўсмирларнинг ҳаёти, фикр-ўйлари ва ишларини итоатгўйлик изига солиш йўлидаги уринишларни тўхтатиш пайти келди. Чунки пассив ижро этувчилик негизлари бамисоли занг темирни емиргани каби болаликданоқ инсоннинг қалбини кемиради. Комсомол олдида пионер ҳаракатига янги омил бахш этиш вазифаси турибди.

М. С. Горбачевнинг съезддаги нутқида комсомол фаолиятини кучайтиришнинг, жадаллаштириш амалий вазифаларини ҳал этишда, социалистик жамиятни революцион янгилашдаги унинг ролини оширишнинг аниқ-равшан программаси баён этиб берилганини нотиқлар уқтириб ўтишди. Мамлакат ёшлари юксак мақсадларга эришиш йўлида куч-ғайратларни аямасликлари, қайта қуришнинг ёш гвардияси, деган номни оқлашлари таъкидлаб ўтилди.

Мажлис раиси маълум қилганидек, ҳар бир делегат ВЛКСМ марказий органлари составига сайлаш учун тавсия этиладиган ходимлар рўйхатини олди. Кўрсатилган номзодларни делегациялар вакилларининг 17 апрель куни бўладиган кенгашида муҳокама қилиш мўлжалланмоқда.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг XX съездига ҳисобот доклади юзасидан резолюция ва ВЛКСМ Уставига киритиладиган ўзгартишлар ҳақидаги қарор лойиҳаларини тайёрловчи комиссия сайланди.

Съезднинг чет эллик меҳмонлари: халқаро студентлар иттифоқи президенти Йозеф **Скала,** димитровчи коммунистик ёшлар иттифоқи Марказий Комитетининг биринчи секретари Андрей **Бунжулов,** Хо Ши Мин коммунистик ёшлар иттифоқи Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ву Мао,** Корея социалистик меҳнаткаш ёшлар иттифоқи Марказий Комитетининг раиси **Цой Рен Хэ,** Куба ёш коммунистлари иттифоқи Миллий комитетининг биринчи секретари Роберто **Робайна,** 19 июль номидаги сандиночи ёшлар иттифоқининг бош координатори Педро **Уртадо** (Никарагуа), **Афғонистон** демократик ёшлар ташкилоти Марказий Комитетининг биринчи секретари Фарид **Маздак** ва бошқалар делегатларни самимий табрикладилар.

Тушдан кейин ялпи мажлислар билан айни бир вақтда съезднинг ўнта мунозара маркази ишлаб турди. Делегатлар комсомол ташкилотларининг обрў-эътиборини ошириш йўллари, қайта қуришда шу ташкилотлар иштироки тажрибаси, совет ёшларида коммунистик идеалларни шакллантириш методлари тўғрисида, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга, фан-техника тараққиётига йигит ва қизлар қўшаётган ҳисса ҳақида, бўш вақтни ташкил этишни такомиллаштириш, ўсмирларнинг гражданин сифатида камол топиш проблемалари ва бошқа муҳим масалалар тўғрисида гапирдилар.

ВЛКСМ XX съезди 18 апрелда ўз ишини давом эттиради. (ТАСС).

# ҲАММА ШАНБАЛИККА!

## БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

ЧИРЧИҚ автобус-таксомотор парки коллективи Коммунистик шанбалик куни тўла қувват билан ишлашга аҳд қилди. Шанбалик ўтказиш муносабати билан корхонада бўлиб ўтган митингда сўзга чиққан ишчи-хизматчилар Т. Асқаров, А. Абдуллаев, Д. Джамилов, В. Дунинлар шу куни барчани юқори унумдорлик билан сифатли ишлашга чақирдилар. Шанбалик куни автокорхонанинг барча автомашинаси ва автобуслари тўлиқ ва аниқ график асосида ишлайди. Ремонтчилар эса оддий кунлардагидан анча кўп машинани ремонт қиладилар. Шу куни ҳаммаси бўлиб 4,5 минг сўмлик иш бажарилади ва унинг барчаси ўн иккинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Э. РИЖИКОВА.

## МЕҲНАТГА ҚЎШИҚ УЛАНАДИ

КОММУНИСТИК шанбаликка Ўрта Чирчиқ райони меҳнаткашлари ҳам алоҳида тайёргарлик билан келдилар. Районнинг барча колхоз, совхоз, қурилиш, автотранспорт ташкилотлари, завод-фабрикалари, мактаб ўқувчиларидан жами 50 минг 700 киши шанбаликда фаол қатнашиб, оддий кунлардагидан анча кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга, унумли меҳнат қилишга бел боғлаганлар. Жумладан, шу куни 21 та қурилиш ташкилотида жами 239 минг сўмлик иш бажарилади. Райондаги 14 та автокорхона ҳайдовчилари 70,5 минг тонна турли-туман халқ хўжалиги юкларини манзилларга етказадилар. Умуман, бугун саноат бўйича жами 371 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. «Труд» фабрикаси ва Тўйтепа металл конструкциялари заводи ишчилари шанбалик куни кўтаринки кайфиятда ишлашади. Бу корхоналарнинг кўплаб илғор бригадалари шу куни фақат тежалган хом ашё ва материаллар ҳисобига маҳсулот тайёрлайдилар.

Райондаги 13 та колхоз ва совхозларда 40 минг сўмлик атрофида қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик соҳасидаги ишлар амалга оширилади. Свердлов, Охунбобоев, Терешкова номли колхоз деҳқонлари шу куни чигит экишни туғаллашади. Катталар билан бир қаторда мавжуд 72 та ўрта мактабнинг 30 минг пионер ва комсомоллари ҳам шанбалик куни алоҳида ғайрат кўрсатиб ишлашни мўлжаллаганлар. Мактаб ўқувчилари умумхалқ ҳашари куни 92 тонна металлолом тўплайдилар. 40минг туп ниҳол ўтқазадилар. Кейин меҳнат бахш этган юксак руҳ дилрабо қўшиқлар туйғусига уланади.

Ш. ҲАМРОЕВ.

• *Чигит экиш кундалиги*





◆ Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози пахтакорлари об-ҳаво қулай келган кунлардан унумли фойдаланиб, чигит экишни уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Айниқса, бу муҳим тадбир 80 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган Нурқобил Норқулов бошлиқ бригадада яхши ташкил қилинган.

Суратларда: (юқорида) бригада бошлиғи Н. Норқулов; (пастда) коллектив даласида экиш пайти.

Р. Галиев фотолари.

## ТЕЗ ВА СОЗ ЭКИБ ОЛАЙЛИК

**ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 17 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ**

(Экиш планига нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда экилган майдон, учинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | |
|---|---|---|
| Коммунистик | — | 91,3 |
| Ўрта Чирчиқ | — | 75,3 |
| Бекобод | — | 60,9 |
| Янгийўл | — | 56,0 |
| Оққўрғон | — | 48,1 |
| Ғалаба | — | 45,6 |
| Чиноз | — | 42,7 |
| Пискент | — | 39,5 |
| Бўка | — | 39,4 |
| Область бўйича: | — | 52,7 |

## СУРЪАТ КЎТАРИЛДИ

**СОЛДАТСКОЕ (телефон орқали олинди). Ғалаба райони қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари бу йил 17930 гектар майдонда пахта етиштириб, давлатга 55 минг 300 тонна «оқ олтин» сотишга аҳд қилганлар. Шу мақсадда улар чигит экишни тез ва соз ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар.**

**Далаларда 250 дан ортиқ экипаж юксак унум билан ишламоқда. Социалистик мусобақада Ленин номли, «Победа» ва Свердлов номли колхозларнинг пахтакорлари олдинда бормоқдалар.**

**Свердлов номли колхоздан Ускен Ҳасанов, Дониёр Исаев ва Исат Сулаймонов ўртоқлар бошлиқ бригадалар чигит экишни биринчилардан бўлиб ниҳоясига етказдилар.**

# ЛОҚАЙДЛИК ГИРДОБИ

## МАҚОЛАСИ МУҲОКАМАДА

**ИЖОДКОРЛАРИМИЗ томонидан кўтарилган мақоладаги деярли ҳамма муаммолар актуал. Боғлар ва мевазорлар қадимдан кишилар саломатлигининг посбони бўлиб келган. Беҳи, олма, ўрик, жийда, гилос, ёнғоқ каби меваларни истеъмол қилган киши ҳеч касалликка чалинмаган. Афсуски, ҳозир ана шу «табиат эҳсони» тобора камайиб бормоқда.**

### МЕВА—ХАСТАЛИК ДАВОСИ

Оддий бир мисол. Областимиздаги қайси колхоз ёки совхоз территориясини айланманг йўлларнинг бир хилда «яйдоқ» эканлигини кўрасиз. Кўпгина кўчалар шип-шийдам қилиб кесилган тут қаторларидан иборат бўлиб кетган. Гапни тутга боғлаганлигим бежиз эмас. Унинг турган-битгани даво. Тасаввур қилинг: эртаги тутнинг икки дона меваси бир флакондаги витамин уколидан кучли шифо берар экан. Афсуски, биз бунинг қадрига етмай қўйдик. Беморга икки дона тут мевасини беришдан кўра баданига игнани тиқиб, укол қилишни афзал кўряпмиз.

Масаланинг яна бошқа томони ҳам бор, албатта. Ҳозир айрим хўжалик раҳбарлари давлатга пилла етказиб беришдек шарафли ишни атроф муҳитга, табиатга қарши йўналтириб, кишилар ва болаларимиз ризқ-рўзини тор идоравий фойда йўлида қурбон қилиб келмоқдалар. Тобора йўл ёқаларидаги серҳосил, сершира тут дарахтлари камайиб бормоқда.

Мақолада кўтарилганидек, ҳар бир хўжаликда махсус агротехника қоидалари асосида тут плантациялари ташкил этилсин, деган фикрга тўла қўшиламиз. Ана шунда тутзорлар учун ажратилган ерлардан бошқа (кўзбўямачилик) мақсадларда фойдаланиб келинган ғайри-қонуний ишларга чек қўйилади. Ана шунда пилла етиштиришнинг энг ҳалол ва тўғри йўли ҳал этилади. Кўчаларимиз илгаригидай файзли қиёфага киради, шаҳарларимизда баҳорнинг ажиб ноз-неъмати — шифобахш балҳ, марварид навли тут мевалари кўпаярди.

Биз ҳам болалар муассасалари, шифохоналар, санаторий зоналарини эгаллаб ётган ерларни боғ-роғларга айлантириш тарафдоримиз. Боғ ҳар қандай одам кайфиятини кўтарадиган, дардига малҳам қўядиган ажойиб маскандир. Қадимги бобо-калонларимиз руҳан толиққан кишиларга боғ оралаб кезишни маслаҳат беришгани бежиз бўлмаган.

Мева ҳаммамиз учун табиий дори-дармон вазифасини ўтаб келган. Биз кимёвий дориларга жуда ўрганиб қолиб, мана шу табиат инъом этаётган тайёр неъматларни менсимай катта хато қилмоқдамиз.

Баъзи донраларда медицинадан мутлақо бехабар, касб-корини сўрасангиз «манзарачилик»дан иборат, лекин халқ соғ-саломатлиги йўлида «қайғурувчи» бир-икки олимнинг «миш-миш»лари қулоққа чалиниб қолмоқда. Ҳатто улар, асоссиз ўз ақидаларига расмий тус бериш учун яқинда матбуотдан ҳам фойдаландилар. Ёзишларига қараганда гўё шаҳарда ўсувчи ёнғоқ каби мевали дарахтлар «заҳарли» бўлармиш. одамлар шу меваларни истеъмол қилишдан ўзларини тийишлари лозим эмиш... Ток кўчатлари манзарали, янги ҳосил бермас сортига айлантирилиши лозим эмиш ва ҳоказо...

Энг ажабланарли жойи шундаки, одамни ҳайрон қолдирадиган бундай талқин эгалари оддий одоб-ахлоқни бир чеккага йиғиштириб қўйиб «биз бошқалардан экологик билимдонроқмиз» деган сўзлар билан кўпчиликка «мурожаат» қилдилар. Мабодо улардан «Ҳой, сизлар қаернинг мевасини еяпсизлар?» деб сўранг-а, ҳар қалай мева емаймиз дейишмаса керак...

Бу «миш-миш»ларнинг ҳаммаси қуруқ гап, асоссиз сафсата. Шаҳардаги ҳар бир ташкилотнинг ўз боғи бўлиши лозим, деб ўйлаймиз. Бу одамларнинг табиат билан янада яқин муносабатда бўлишига имкон яратади. Айниқса, шифохона, соғломлаштириш зоналари учун ажратиладиган гектар-гектар майдонларни нуқул чинор-акация билан тўлдириб юбориш асло кечирарли ҳол эмас.

Ўйламасдан турли баҳоналарни пеш қилавериш остида бефарқлик каби иллат илдизлари яшириниб ётибди. Шу ерда бир жонли мисол келтириб ўтмоқчиман. Ўтган йили шаҳардаги бир неча гектар ерни манзарали дарахтлар билан тўлдириб юборилган шифохонада бўлдим. Шу ер территориясидаги ёлғиз бир туп ўрик ғарқ пишиб, ҳосили тагига тўкилиб ётган экан. Ҳатто асфальт йўл устига ҳам икки-учтаси тушибди.

Шифохона мутасаддиси, ҳамкасбим шу дарахт қаршисидан ўтаётиб ижирғангандай «жонга тегди-да» деб ерда оловдай товланиб ётган меваларни четлаб ўтди. Мен ўрикларни авайлаб териб олдим-у, индамадим... «Ризқ-рўзга ҳам шундай муносабатда бўладими, одам! Нонкўр бўлиб кетибсан», деб юзига айтмадим. «Буларни териб, уч-тўрт тарелка бўлса ҳам отахон беморлар олдига киритсангиз, савоб бўларди, уларнинг кўнгли осмондай кўтариларди-ку» демадим... Ҳа, шундай — чамаси биз оппоқ халат кийиб олиб, қўлларимиз билан фақат кимёвий дорилар учун қоғоз ёзиб беришга жуда ўрганиб кетганга ўхшаймиз.

Ўзимизнинг шифохона ҳақида гапирадиган бўлсак, бу ердаги узум ишкомлари ости беморлар ҳордиқ чиқарадиган соя-салқин жойларгина эмас, дастурхонимиз кўрки бўлиб ҳам хизмат қилмоқда. Икки йилдан буён пишиқчилик пайтлари беморлар олдига баҳоли қудрат узум қўймоқдамиз — ўзимиз етиштирган ҳосилни кўпчилик тотиб кўрмоқда!

Яқинда шифохона территорияси ярим гектардан зиёдга кенгайди. Биз мана шу ерни гилос, ўрик, жийда, беҳи ниҳолларидан иборат боғ қилмоқчимиз. Территориямиз атрофини гир айлантириб ёнғоқ дарахти билан «ўраш» ниятимиз бор. Маълумки, бу дарахт ҳаводаги ҳар хил юқумли микробларга, пашша, чивин каби зарарли ҳашаротларга қирон келтирадиган, фитонцидларга бой ҳосиятли дарахтдир...

Ўйлайманки, «Лоқайдлик гирдоби» мақоласида кўтарилган ҳамма масалани ҳар қандай идоравий тўсиқларга чек қўйиб, ижобий ҳал этиш лозим. Бунинг учун, аввало, бизни алаҳситиб келаётган лоқайдлик «касалидан» тезроқ қутулиб олишимиз керак!..

**Қулаҳмад РИЗАЕВ, Тошкентдаги Абу Али ибн Сино номли 1-шаҳар шифохонаси бош врачи.**

### ДЕҲҚОНМИЗ-У, БОЗОРДАН СОТИБ ОЛЯПМИЗ

**БИР КУНИ бозордан битта тарвуз сотиб олдим. Уйга олиб келиб бир тилимини еб жуда хафа бўлиб кетдим. Чунки тарвузда на маза, на матра бор. Афтидан бозордаги «чала деҳқон» уни фақат минерал ўғит ҳисобига етиштирибди. Бу иш билан фақат унинг ўзи шуғулланса майли эди, ҳозир қовун-тарвузга қоплаб дори солиш одат тусига кириб қолди.**

**Мен ҳам қарийб ўн беш йил полизчилик бригадасига етакчилик қилганман. Ерга бир ҳовуч ҳам ўша отинг ўчкур азотни солмай ҳам мўл ҳосил олардик. Қовунимизни еган одамлар раҳмат деб кетишарди. Эл олдидаги бу хизматларим зое кетмади. 1966 йилда Ҳурмат белгиси, 1971 йилда Ленин ордени билан мукофотландим. Республикамизнинг кўпгина шаҳарларида ташкил этилган кўрикларда иштирок этиб, бир неча марта ғолиб чиқдим.**

**Яқинда «Тошкент ҳақиқати» газетасида эълон қилинган «Лоқайдлик гирдоби» мақоласини ўқиб, жуда тўлқинланиб кетдим. Беихтиёр ўзимга-ўзим илгариги боғ-роғлар, ширин-шакар қовун-тарвузлар қаёққа йўқолди, деган савол бердим. Ҳозир фақат бизнинг колхозимизни эмас, бутун районни айланиб тузукроқ боғни тополмайсиз. Бу жуда ачинарли ҳол.**

**Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, районимиз деҳқонлари илгаритдан қўшни Олмалиқ шаҳри ишчи-хизматчиларининг дастурхонини ўз маҳсулотлари билан тўкин-сочин қилиб келганлар. Ҳозир нима бўляпти, денг, энди уларнинг ризқига шерик бўляпмиз. Оддий мева-чевани ҳам Олмалиқ бозоридан сотиб олиб келяпмиз. Менимча бунга чек қўйишимиз шарт ва лозим.**

**Мақолада таъкидланганидек, бу масалани жиддийроқ ўйлаб кўрадиган вақт келди. Ҳозир имконияти бўлган ҳамма жойда боғ яратишимиз керак. Дала шийпонлари атрофига, ариқ ёқаларига, томорқаларга ҳар бир колхозда мевали дарахт кўчатларини ўтқазишни уюштириш лозим. Мен бажонудил собиқ ҳамкасбларим билан бу ишга қўл ураман.**

**Ҳамроқул ҲАМДАМОВ,** Пискент районидаги Охунбобоев номли колхозда истиқомат қилувчи Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани.

• *Сайловлар олдидан*

# Демократиянинг янги ифодаси

**Халқ депутатлари маҳаллий Советларига республикада ўтаётган сайлов кампанияси янги босқичга кирди. Меҳнат коллективлари ва ташкилотларининг йиғилишлари, гражданларнинг истиқомат жойларидаги йиғинлари, ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари зўр сиёсий активлик вазиятида бошланди. Ана шу йиғилишларда халқ депутатлари область, район, шаҳар, посёлка, қишлоқ ва овул Советлари депутатлигига номзодлар кўрсатилмоқда.**

Тошкент кўзгу-мебель фабрикасининг бош цехида ўнлаб кишилар ўзларининг сайловолди йиғилишига тўпландилар. Йиғилишдан анча илгари фабрика партия бюросининг аъзолари, пропагандистлар, агитаторлар катта тайёргарлик ишларини ўтказиб, ҳозирги сайловнинг хусусиятлари тўғрисида сўзлаб бердилар.

Аввалига юқоридан ҳеч қандай кўрсатмалар бўлмаслиги аниқлангач, йиғилишни ўтказиш учун олдиндан белгилаб қўйилган қандайдир йўл-йўриқ тайёрлаб қўйилмаганлиги маълум бўлгач, баъзи кишиларнинг чеҳрасида ҳатто саросималик аломатларини кўриш мумкин эди. Нимасини айтасиз — бу одатдан ташқарида! Аммо тезда йиғилиш аҳли жонланиб кетди.

Йиғилган кишилар корхонанинг икки энг яхши ходимаси — бўёқчилар бригадири З. Аҳмедова билан металлизатор Н. Мамараҳимовани Тошкент шаҳар Советига сайловда депутатликка номзодлар қилиб кўрсатишни таклиф этдилар. Номзодларнинг иккаласи ҳам жуда яхши ишламоқдалар, планни ҳар ойда ошириб бажармоқдалар. Муҳокамадан маълум бўлишича, уларнинг иккаласи ҳамкасблари ўртасида зўр обрў қозонган, дилкаш ва меҳрибон эканлар. Шундай бўлса-да, овоз бериш чоғида З. А. Аҳмедова анча кўпроқ овоз олди.

Бунинг сабаби шуки, коллективдагиларнинг ҳаммаси Зайтуна Абдулловнани фаол жамоатчи сифатида билади. У бир неча йилдан буён фабрика касаба союз комитетининг аъзосидир. Унинг ташаббуси билан цехларда маиший хоналар пайдо бўлди, маҳаллий ошхонанинг ташқи қиёфаси ўзгарди, хотин-қизлар кенгашининг иши жонланиб кетди. Кўпгина ишчи аёллар ёрдам ва маслаҳат сўраб унинг ҳузурига келиб туришади.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари Куйбишев район Советига ўтказиладиган сайловга депутат номзодини кўрсатиш чоғида бир йўла тўрт номзод айтилди. Кўпчилик овоз билан металлизатор Н. Сергеева район Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди. Бу ишчининг одамларга нисбатан меҳрибонлик билан муносабатда бўлаётганлиги, жамоатчилик ишларида фаол қатнашаётганлиги унга устунлик берди.

— Очиғини айтсам йиғилиш қандай ўтар экан, одамлар кимни кўрсатишар экан, деб хавотирландим, — деди ўз таассуротларини ўртоқлашиб фабрика партия бюросининг секретари Е. Усенко. — Бироқ муҳокаманинг бориши, овоз бериш якунлари ҳар қандай шубҳага чек қўйди. Коллективимизнинг энг муносиб вакиллари кўрсатилдилар.

(ЎзТАГ).

